

Ishonch

2018 йил 14 июнь • пайшанба • № 71 (4044)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, одамларнинг муаммоларини ҳал этиш — ислохотларнинг асосий мақсадидир

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифининг биринчи куни қўллаб-қувватлаш билан танишди, тадбиркор ва инвесторлар, ишчи-хизматчилар, фермерлар, нурунийлар билан учрашди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қурултай Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи куни Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишди, ҳарбий-ҳаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатди, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимиз сарҳадлари химоячиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, ушбу ҳарбий қисмда ҳам Ватан химоячиларининг ўз хизмат бурчини намунали ўташ учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордик маркази, Маънавият маркази, аулорсинг тизими жорий

этилган ошхонани кўздан кечирди.

— Ватанини севиш — улугъ фазилат. Ёшларимизни ана шундай фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун сиз каби мағрур, бақувват йиғитлар намуна бўлиши зарур. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларни миллий ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўлиши керак, — деди Президент.

Учрашувда ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳарбий-ҳаво десантчилари тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажёрлар ўрнатиш, «Ватанпарвар» таъкилотлари ҳузурида парашютчилар тўғараклари очиб бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида барпо этиладиган кўп қаватли янги уй-жойлар билан танишди.

Дастлаб Фарғона шаҳрининг Бош режаси асосида амалга ошириладиган қурилиш-обodonлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябр-

даги 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўтган йили Мустақиллик мавзесида 7 қаватли 5 та уй қурилиб, эҳтиёжманд оилаларга топширилган эди.

Бу уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, йиғирма йиллик имтиёзли ипотека кредити асосида берилган. Хонадонларда барча шароит яратилган. Квартиралар иситиш қозони билан таъминланган. Биноларга замонавий лифтилар ўрнатилган.

Айни пайтда ҳудудда жорий йилга режалаштирилган 10 та уй, меҳмонхона, 150 ўринли боғча қуриб битказилмоқда. 2019 ва 2020 йилларда бу ерда яна 19 та кўп қаватли уй барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйлар учун Туркия, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда қўлланиладиган турар жой биноларини блоклардан барпо этиш тажрибасини ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

— Блоклардан қуриладиган уй тез билади, эзилмага бардошли, таннархи арзон бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ривожланган давлатларнинг барчасида ана шундай уйлар қурилмоқда. Мамлакатимизга блоклардан уй қуриш бўйича замонавий тех-

нология олиб келинмоқда. Бу келгусида уй-жой қурилишини кўпайтириш имконини беради.

Ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва шифокорларга мўлжалланган кўп қаватли уйлар бунёд этишга киришиш, улар учун бошланғич бадал тўловидан имтиёзлар бериш истиқболдаги режалардан экани қайд этилди.

Шу ерда вилоятдаги мавжуд инфратузилма иншоотларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, Фарғона, Марғилон, Қувасой ва Қўқон шаҳарларидаги кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини қайта тиклаш, вилоятда ичимлик суви ва канализация тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Фарғона вилоятидаги ушбу йирик шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан мазкур шаҳарлар ҳокимларига зарур топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи низоҳасига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига ҳорисий мактабларда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлардан табрик мактублари келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Мелания ва мен Сизга ва Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Рамазон ойининг якунланишини нишонлар эканмиз, қўшниларга ёрдам бериш ва турли эътиқодга мансуб одамлар билан таомини баҳам қўришдек ислом динининг адолат ва раҳм-шафқатли бўлиш каби муқаддас анъанасини янада геран англаймиз. Рамазон ҳайити дўстликда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва барчанинг ўз салоҳиятини тўлғатигача рўёбга чиқара оладиган жамиятни барпо этиш масъулиятини ёдга солади.

Америка Қўшма Штатлари қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мамлакатимиз юксалишига муҳим ҳисса қўшган ва Қурултай Кучларимизда шараф билан хизмат қилган америкалик мусулмонларнинг ҳам юртидир.

Ушбу фазилатли айёмда мен дунёдаги барча мусулмонларга ўзининг энг самимий табрикларини йўллар эканман, келаси йилдаги Рамазон ҳайитини ҳам сикхат-саломатлик ва фаровонликда нишонлашни тилайман. Рамазон ҳайити муборак бўлсин!

Эхтиром билан,

Дональд Ж.ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Козогистон Республикаси Президенти

Нурсултон Назарбаев;

Туркменистон Президентини

Гурбангули Бердимухамедов;

Озарбайжон Республикаси Президентини

Илҳом Алиев;

Саудия Арабистони Подшоҳи,

икки муқаддас масжид ходими

Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди,

Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири

Мухаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи

Абдулла Иккинчи бин ал-Ҳусейн;

Фаластин Давлати Президентини,

Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси

Махмуд Аббос;

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби

Юсуф ал-Усаймин.

Қўтаовлар келиши давом этмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Бағрикенгликнинг ёрқин намунаси

Ушбу ҳужжатга биноан, илк маротаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатларини қисқартирилди.

Бу нимани англатади? Бу шунча ғамдан боши эгик хонадоннинг чироғи қайта ёниши, билиб-билмай содир этган қилмиши ортидан жазони ўтаётган, бугунги кунда чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган, давлат раҳбари афв қилган фуқаро оиласи бағрига қайтиб, шу юрт тараққиёти йўлида камарбаста бўлишини англатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтган бир таъсириди гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. Давлатимиз раҳбари адашиб жиноят йўлига кирган ёки содир этган қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни жамиятга, оиласи бағрига қайтариш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланишини, нега деганда, улар ҳам Ўзбекистон фуқаролари, шу юрт заандлари эканини айтган эди.

Афв

Меморандум

Бардавом ҳамкорлик истиқболлари

2018 йилнинг 6 июнида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Беларусия транспорт ва коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида меморандум имзоланди. Халқаро учрашув доирасидаги очиқ мулоқот давомида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

3»



КУН НАФАСИ



Тошкент шаҳри ҳокимияти биносида тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ва шаҳар ҳокимияти вакиллари иштирокида «Тошкент — Ўрта Осиёда энг етакчи, тинч, гўзал шахарга айланади» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ингилишда пойтахтни Марказий Осиёда энг гўзал шахарга айлантириш борасида қўллаётган режалар муҳокама қилинди.

Тадбир сўнида шу йилнинг 12 июль куни Тошкентнинг Ботаника боғида ўтказилиши режалаштирилган «Топ-500» форуми ҳақида маълумот берилди. Форумда аккредитациядан ўтган танikli тадбиркорлар, элчилар, элчихоналарнинг савдо маслаҳатчилари ва бошқалар қатнашини қўлламоқда.

kun.uz

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металллар чиқиндиларининг ўтирилиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиш кетилишининг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 июндаги 425-сонли қарори муҳим янгилик бўлди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизматининг маълумот беришича, эндиликда қисмоний шахслар ҳам металл парчаларини эркин нархларда «Ўзметкомбинат» ва «Ўзқисқилмачи-ранглиметалл» акционерлик жамиятларига топширишлари мумкин.

2018 йил январь - май ойлари мобайнида Ўзбекистонда 25219 та янги қорхона ва ташкилот ташкил этилди.

Энг кўп янги ташкил этилган қорхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида (5444 та), Тошкент (1965 та), Фарғона (2422 та) ва Самарқанд вилоятлари (1983 та) ҳиссасига тўғри келди. Бу борада энг кам кўрсаткичлар Сирдарё (680 та), Хоразм (918 та) ҳамда Навоий (996 та) вилоятларида кузатилади.

Агар иқтисодий фаолият турлари кесимида қўрсак, энг кўп савдо (5156 та), саноат (4914 та), қишлоқ, ўрмон, балиқ ҳўжалиги (2835 та) ва қурилиш (2810 та) соҳаларида ишга тушурилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (570 та), ахборот ва алоқа (583 та) ҳамда таълим ва соқлаш соҳаларида (889 та) ташкил этилганлиги кузатилади. Бу ҳақида Давлат статистика қўмитаси маълум қилди.

Миллий матбуот марказида «Ўз-чармасанот» уюшмаси томонидан чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда уюшма қошида янги ташкил этилган «Ўзчармимпэк» унитар қорхонаси ҳамда Чарм-пойабзал соҳасини янада ривожлантириш жамғармаси ҳақида маълумот берилди.

нинг асосий дастурида намоишга тавсия этилган.

Тадбир давомида ҳар бир иштирокчи мамлакатта павильонлар ажратилиб, миллий кинематография намуналарини ШХТга аъзо мамлакатлар ҳудудларида намоиш этиш имкониятлари ўрганилиб, тегишли шартномалар имзоланиши режалаштирилган.

«Ўзбекино» миллий агентлиги матбуот хизмати

Жорий йилнинг кузида «British Museum»нинг янги зали очилиши қўлламоқда. Унга «Ал Бухорий» галереяси номи берилиши режалаштирилмоқда. Музей вакиллари ушбу галереяда 1000 та артефакт намоиш этишни мўлжаллашаётир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ҳам амалий ёрдам берилиши қўлламоқда.

Маданият вазирлиги матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, Англия делегацияси Ўзбекистонлик мутахасссларини British Museum'да 6 ҳафталик ўқув курсларида малака оширишга таклиф этишган.

xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирини Азим Аҳмедхаджаевнинг «Facebook» тармоғидаги саҳифаси расмий мақомага эга бўлди.

Ижтимоий тармоқдаги саҳифа қўлатувчилари билан виртуал мулоқот ўзаро ишчилик ахборотга асосланган. Фойдаланувчилар тасдиқланган саҳифа орқали вазир фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги расмий янгиликларини бе-восита кузатиб боришлари мумкин.

Саҳифанинг расмий мақомга эга бўлиши сохта профиллар ҳамда ёлгон хабарлар тарқалишига чек қўяди, маълумотларни тез ва осон ажратиб олишга хизмат қилади. «Facebook» тармоғининг қидирув тизими фойдаланувчига қалити сўзлар бўйича биринчи бўлиб тасдиқланган саҳифадаги ахборотларни тақдим қилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати

Ўзбекистонда Modern Powers Systems компанияси «Ипотека банк» АТИБ билан ҳамкорликда бир йилда 100 мегаватт қувватга эга қуёш панелларини чиқарувчи қорхонани ишга туширди.

Қиймати 25 миллиард сўмга тенг бўлган мазкур лойиҳа ҳаётга таъкил этилиши билан 150 дан ортиқ янги иш жойи яратилади. Қўллаётган экспорт имконияти йилига 5 миллион АКШ долларига тенг.

xs.uz

2018 йил 19-23 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида илк маротаба умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида физика ва астрономия фанларидан Мирзо Улугбек номидаги халқаро олимпиада ўтказилади.

Олимпиадада дунёнинг қатор давлатларидан иштирокчи ўқувчилар иштирок этиши қўлламоқда. Унда ҳар бир иштирокчи давлатдан 6 нафар ўқувчи (3 нафари физика, 3 нафари астрономия фанидан) ҳамда икки нафар жамоа раҳбаридан иборат гуруҳ иштирок этиши белгиланган.

Халқаро олимпиада икки босқичда: назарий ва экспериментал босқичда ўтказилиб, олимпиада материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида таъйёрланади.

Халқ таълими вазирлиги Матбуот хизмати

Ёз — 2018



Қарор ва ижро

Республика Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, эҳтиёжманд, жисмоний имконияти чекланган инсонларни манзилли қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Яхши одамлар бор бўлсин!

Ховос тумани Қахрамон кишлоғида яшовчи, 2-гурӯх ногирони Қундузхон Мелибоева кўп йиллардан бундан тери касаллигидан азоб чеки келарди.

— Ушбу касалликка йўлққанамдан сўнг, бир нафар қизим билан ота уйимга қайтдим, жуда кўп даволандим, аммо нафи бўлмади. Асабдан деб ташхис қўйишар, даволашар, аммо бироз ўтиб яна касаллик қайталанади, — дейди Қундузхон. — Оёқ-қўлларим кичишса, назаримда юрагим томоғимга тикилиб, ўлимимга ҳам рози бўлиблар кетар эдим.

Юқоридagi қарор ижроси юзасидан вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан республикамизнинг барча ҳудудда кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли ўрганилди. Унга кўра уй-жойга, маиший техника жиҳозларига эҳтиёжи бор, янаша жойларини таъмирлаш, тиббий хизмат борада амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилди. Қундузхон Мелибоева ҳам ушбу дастурга кўра рўйхатга киритилиб, дастлаб Республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги клиникага ётқизилди.

— Кеча синглим Қундузхон соғайиб, уйимизга қайтди, — дейди аёлининг акиси Немажон Мелибоев. — Синглимнинг олиб бормаган жойимиз колмаган эди, имконимиз борича қаратганимиз. Аммо касали ҳеч ўтиб кетмасди. Ҳозир, Аллоҳга шукур, яхшиман, деярли. Кайфияти яхши. Касаба уюшмалари амбулатор даволаниши учун қўшимча доридармон ҳам олиб беришди. Авваламбор, Президентимизга, қарор ижросига жиддий қиришган касаба уюшмалари, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти шифокор ва ҳамшираларига миннатдорчилигимни билдираман.

— Шу кунгача вилоят бўйича 57 нафар эҳтиёжманд бемор фуқаронинг даволанишига кўмаклашилди, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Камолитдин Окбўтаев. — Вилоят бўйича жами 66 нафар бемор манзилли дастурга киритилган бўлиб, уларнинг барчасига соғайиб кетишлари учун шароит яратиб берилади.

Зебо ҲАЙДАРОВА

Ёз — болаларнинг энг сеvimли фасли. Йилнинг бу даврида меваларнинг мўл-кўллиги, табиат қўйнига саёҳатлар, сув ҳавзаларидаги муСОБАқалар ва албатта, оромгоҳдаги ҳордиқ — буларнинг барчаси болалик хотираларида бир умрга муҳрланиб қолади.

Ёқимли ҳордиқ сари

Наманган вилоятида жорий йилда шаҳардан ташқарида жойлашган 8 та оромгоҳда 5650 нафар болажонга шундай қувонч тухфа этилади.

Мавсумнинг қўнғилдагидек ўтиши учун пухта тайёргарлик қўрилди, моддий-техник база мустаҳкамланиб, маалаки кадрлар жалб этилди. Хусусан, оромгоҳлар 114 нафар маалаки педагог-тарбиячи билан биргаликда 8 нафардан тиббиёт, ички ишлар, давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимлари билан таъминланди. Барча гўшаларга болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув камералари ўрнатилди.

«Водий саховати агро инвест ул-гуржи савдо» МЧЖ билан шартнома

тузилиб, 50 турдаги озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Мавсумнинг биринчи босқичида ҳар бир шаҳар ва тумандан 1520 нафар ўғил-қиз оромгоҳга туман хокими ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида тантанали кузатилди.

Оромгоҳ томон қўйилаётган илк қадмаларнинг нақадар ёқимли эканини болаларнинг юз-кўзидаги қувонч, хайратдан ҳам билиш мумкин. Уларни олдинда янги дўстлар, касб-хунар сабоқлари ва албатта, ажойиб таассуротлар кутиб турибди.

Қосимжон ХОЛБОВЕВ,
Наманган вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Саломатлик посбонлари

ХАВФСИЗЛИК КАМАРИНИ ТАҚИНГ у сизни даволайди

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови турли соҳаларда меҳнат қилаётган иқтидор соҳибларини аниқлашга кўмаклашмоқда.

Фаргона вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш шифокори» номинацияси бўйича вилоят босқичида танловнинг шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритган 35 ёшгача бўлган шифокорлар иштирок этди.

— Ушбу танлов ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, танлаган касбига нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантиришга хизмат қилади, — дейди Соғлиқни сақлаш ходим-

лари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича маъсул ташкилотчиси Шоҳидаҳон Каримова. — Гувоҳи бўлганингиздек, катнашчилар тиббиёт соҳасидаги инновацион ғоя ва ишланмаларини намойиш этишди. Шифокорлар орасида ҳатто ихтирога патент олганлари ҳам борлиги эътиборга молик.

Натижаларга кўра, «Автомобиллардаги хавфсизлик камари учун махсус физиодаловолчи курилма»ни ҳаётга татбиқ этаётган Кува тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликли-

ника умумий амалиёт шифокори Жавоҳир Солиев ҳакамлар томонидан бир овоздан биринчи ўринга муносиб топилиб, «Ёш мутахассислар» V республика форумида катнашиш имконига эга бўлди. Куваёй шаҳар тиббиёт бирлашмаси умумий амалиёт шифокори Шохрух Ахмадалиев иккинчи, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиохирурги Жавлонбек Мўйдинов учинчи ўринни қўлга киритди.

— Ғолиблик мени янада улкан марраларни забт этишга ундайди, — дейди Жавоҳир Солиев. — Маълумки, автомобиль хавфсизлик камари — ҳаракатланиш чоғида ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи муҳим восита. Мен тақдир қилаётган махсус физиодаловолчи ғилофнинг мақсади фуқароларимизни хавфсизлик камарига оддий бир буюм сифатида эмас, балки турли хил касалликларнинг олдини оловчи ва даволаш курилма сифатида қарашга ўргатиш, шунингдек, ҳайдовчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланиш фойзини ошириш ҳамда автохалокатлардан жабрланиш даражасини пасайтиришдир. Мазкур физиодаловолчи курилма ошқозон-ичак, ўт-тош касалликлари ва ортқича вазндан холи бўлишга ёрдам беради. У республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хавфсизлик камари учун мослаштирилган.

Ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил

ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Саёҳатга Бешкент пахта тозалаш заводи ҳамийлик қилди.

Қарши туманидаги ногиронлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчилар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари Биринчи Президентимиз Исрол Каримов қабрини зиёрат қилишди. Тарихий қадамжоларни кўздан кечиришди. Ташкилотчилар томонидан бундай хайрли тадбирларни йил давомида йўлга қўйиш режалаштирилган.

Гўлчехра БУРҲОНОВА,
Қарши туманидаги 5-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси



Биласизми?

Ҳар бир ташкилот, ишлаб чиқариш корхонаси, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаати доимий эътиборда. Сўнгги пайтда санаторийлар ва болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар бериш анчагина кўпайганлиги ҳам бор гап.

Бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар, шу жумладан, йўлланмалар бериш тартиби ҳақида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Бекзод Ўролбоев ва Зариф Жозилова бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

Йўлланмани қаердан оламан?



— Мулоқотимизни, авваламбор, санаторийларга йўлланма олиш учун қаерга мурожаат қилиш кераклигидан бошласак.

— Ходимлар санаторийга йўлланма олиш учун, белгиланган тартибга кўра, ўз иш жойидаги бошланғич касабаси уюшма қўмитасига ариза орқали мурожаат қилади. Бундан кейинги жараён жуда оддий. Тиббиёт муассасалари томонидан берилган тиббий маълумотнома асосида санаторийга тавсия этилади.

Касаба уюшмаси тузилмаган ташкилотлар ходимлари эса санаторий йўлланмасини иш берувчининг ёзма мурожаати ва ишончномасига асосан, ижтимоий комиссия йиғилишининг қарори билан ҳудудий касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаларидан тўғридан-тўғри олиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, йўлланмалар кийиматининг 45 фоизи фойдаланувчи шахслар томонидан, қолган 55 фоизи ижтимоий сугурта ёки касабаси уюшма бюджетли маблағлари ҳисобидан тўланиши шарт. Шунингдек, «Ижтимоий сугурта бюджетли маблағлари ҳисобидан санаторийларга йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, бериш, ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан, бепул йўлланмалар маълум бир тоифадаги ишчиларга ажратилади.

Санаторийга қабул қилинган шахс 10-12 кун муддатда соғломлаштирилади. Ходимга касабаси уюшма ташкилоти томонидан икки йилда бир марта санаторий йўлланмаси ажратилади. Бундан ташқари, санаторийлар ва дам олиш уйларида даволаниш ёки дам олиш учун аъзолик бадаллари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар ўрнатилган тартибда ишчиларнинг оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари)га қисман тўлов

асосида ҳамда 100 фоиз тўлов билан ҳам берилиши мумкин.

Йўлланма бериш тартиби корхона ва ташкилотларнинг ходимларнинг меҳнат таътилига чиқиш режасига асосан, йил бошида берилган рўйхатга кўра белгиланади. Йўлланма ходимга унинг меҳнат таътилига чиқишидан бир ой олдин берилади.

— Касаба уюшма аъзоси бўлмаган фуқаролар йўлланмани қаердан олади?

— Бу ҳолатда Касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармасига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ёки электрон навбатга ёзилиш керак бўлади.

— Кези келганда, жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик тўғрисида ҳам маълумот берсангиз?

— Бу йил вилоят миқёсида 21130 нафар бола оромгоҳларда соғломлаштирилади. Шундан 9 630 нафар болани шаҳардан ташқари стационар оромгоҳларда касабаси уюшмалари, ташкилотлар, оромгоҳга бориш учун бериладиган йўлланмаларни сотишдан тушган маблағ ва хомийлик маблағи ҳисобидан дам олдирилиши белгиланиб, ушбу мақсадлар учун 2 807 307,0 минг сўм сарфланиши режалаштирилган.

— Оромгоҳларга йўлланма олиш учун ота-она қаерга мурожаат қилиши керак?

— Ходим оромгоҳга йўлланма олиш учун ўз иш жойида тузилган касабаси уюшма қўмитасига ёки ҳудуддаги касабаси уюшма бўлимларига мурожаат қилиши лозим. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, йўлланмалар оромгоҳларнинг ишлаш қуввати иноватга олинган ҳолда ажратилади. Стационар оромгоҳларга 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Ҳар бир навбатда болалар 12 кун дам олади.

Хўсан ЭЛТОВ
суҳбатлашди.

Маҳлиё УМИРЗОҚОВА
журналист

Эҳсон қилиш қоидалари

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди.


ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

«Вақф» хайрия жамоат фонди иш бошлади

Мазкур фондни тузишдан кўзланган асосий мақсад хайр-эҳсонларни тўғри йўналтириш ва назорат ўрнатишдан иборат. Фондга келиб тушган маблағлар масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, диний таълим муассасалари тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган фуқароларга моддий ва маънавий қўмак бериш каби бир қатор хайрли ишлар учун сарфланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, фондга хайрия маблағларини электрон тўлов тизими орқали ҳам ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, вақф, закот, ушр, фитр ва бошқа хайрия маблағларини пластик карталар орқали ўтказиш имкони ҳам бор. Тошкент шаҳридаги 12 та масжид ва «Зангиота» зиёрат мажмуасига инфокиоскалар ўрнатилди. Келгусида улар бошқа масжидларда ҳам ўрнатилди.

Шу ўринда вақф, закот, ушр, фитрининг маъноси ва уларнинг бир-биридан фарқи нима, деган



савол туғилиши табиий. Уларнинг мазмун-моҳиятига қисқача тўхталадиган бўлсак, бирор мулкни Аллоҳнинг мулки ҳисобида саклаш «вақф» деб аталади. Вақф қилинган мулк унинг эгаси мулкидан ажратилади ва уни вақф этишда тайинланган жиҳатга сарф қилинади ва савоби абадий бўлади. Бундай мулк сотилмайди, ҳада қилинмайди, мерос бўлмайди.

Энди закотга тўхталадиган бўлсак, у давлати зиёда кишиларга тааллуқлидир. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, 16 000 000 сўм ёки ундан кўп маблағи бор инсонлар унинг қирқдан бирини закот учун бериши фарз ҳисобланади.

Фитр садақаси закотдан кенг қамровлиги билан фарқ қилади. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоху анҳумо)нинг ривоят қилишича, «Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам фитр закотини мусулмонлардан ҳар биттасига — хоҳ озод, хоҳ қул, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин — хурмодан бир соъ — 2,917 кг. ёки арпадан бир соъ тарзида (бермокни) фарз қилдилар».

Ушр садақаси эса деҳқончиликдан келадиган даромаднинг ўндан бири ҳисобидан хайр-эҳсон қилиш демакдир. Мазкур садақаларнинг миқдори ҳар йили диний идора томонидан белгиланади.

«Вақф» фонди факат вақф мулкидан иборат эмас. Унинг маблағлари 3 қисмга бўлинади: 1. Хайрия бўлими. 2. Вақф бўлими. 3. Закот, ушр, фитр ва фидя бўлими. Ҳозирги кунда ушр бўлимининг ҳам алоҳида-алоҳида ҳисоб рақами мавжуд. Ҳар қим ўзи хоҳлаган бўлимининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказса, ўтказилган маблағ шариатда айтилган ўринларга сарф қилинишига шак-шубҳа йўқ. Кимдадир фонд фаолиятига нисбатан шубҳа уйғонадиган бўлса, эҳсон беришда иккиланишга ҳолат йўқ. Чунки ҳолис ният билан эҳсон берган киши ўз ниятига яраша савобга эга бўлаверади, ўзига тегишли бўлмаган маблағни биров ўзлаштирган тақдирда ҳам садака берувчининг савоби камайиб қолмайди. Эҳсонни суниетъмоил қилганлар эса қиёмат кунини ўз қилинган яраша жазоланади. Қолаверса, «Вақф» фондининг ҳар бир хайрия тадбири жамоатчилик назорати остида амалга оширилади. Вақти-оғати аталган вақф мулки ва маблағлари ўз эгаларини топаверади.

Шаҳзода ҲАКИМОВА тайёрлади.

Ижтимоий реклама



GOBIERNO DE ESPAÑA

MINISTERIO DE ECONOMÍA, INDUSTRIA Y COMPETITIVIDAD




España Exportación e Inversiones

Ispaniya-O'zbekiston forumi
Ko'p tomonlama
Hamkorlik

Toshkent, 19-20-iyun 2018-yil

Wyndham Tashkent Hotel

<https://ofecomemosc.ru/event/734398/>

Ёз — 2018

Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Ишонч» оромгоҳининг очилиш маросими. келажакимиз ворислари учун яратилган шароитларнинг тақдимотига айланиб кетди.

«Ишонч»нинг файзи ўзгача

— Жорий йилда оромгоҳимизда тўртта навбатда болаларни мазмунли дам олдириш режалаштирилди, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ директори Дилфуза Жалилова. — Биринчи навбатга 100 нафар бола қабул қилинди. Мавсум давомида яна 300 нафар ўғил-қиз мароқли дам олади. Малакали мураббий ва тарбиячилар томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашув, лойиҳа ва ўйлаб-тўғарақлар ташкил қилинади.

Эътиборли жиҳати, ҳароратнинг меъёрдан ортқ исб кетиши, офтоб уруш хавфи қучайган паллада болажонларни соя жойларда саклаш, уларни салқин ичимликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Тиббиёт пункти ходимлари, тарбиячи ва етакчилар томонидан болалар соғлиги доимий назорат қилиб борилади. Махсус фитобар ташкил этилган.

Дарвоқе, инглиз тили, рақс, расм, тикуччилик тўғарақларида ҳозирлаб болаларнинг истеъдод қирралари кўзга ташлана бошланди. Янги типдаги бассейн гавжум.

— Ушбу оромгоҳга иккинчи бор келишим, — дейди Кармана туманидаги 12-мактаб ўқувчиси Гулинисо Нормуродова. — Янги дўстлар орттирдим. Улар билан вақтимиз мазмунли ўтмоқда. Турли спорт мусобақаларида фаол бўлишга ҳаракат қилилган.

Оромгоҳ кутубхонаси фондида китоблар етарли. Қўзатишларимиз давомида турли энциклопедия ва эрта китоблар болаларнинг сеvimли сирдошига айланганининг гувоҳи бўлдик.

Қўли ширин ошпазлар томонидан 5 маҳал иссиқ овқат тайёрланаётир. Шириндан-ширин пиширликлар ва дармондорига бой ичимликлар болажонлар кучига куч қўшади.

— Буларнинг барчаси дилбандларимизга бўлган юксак эътибор намунаси, — дейди Дилфуза Жалилова. — Истагимиз, ҳар бир бола мароқли ва мазмунли дам олиб, уйига, ота-онасининг бағрига хуш кайфият билан қайтсин.

Дилфўз ўРЎЗОВА,
«Ишонч» муҳбири

Эълон

Алдия вазирлиги томонидан 1995 йил 10 январда 541-сон билан рўйхатга олинган. СТИР (ИНН): 203272485, ХХТУТ: 97950, «O'zavtotransta'minot» уюшмаси аъзоларининг 2018 йил 1 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори билан 2007 йил 27 апрелдаги 630-сонли Президент Қарори билан ихтиёрий равишда тугатилди. Қредиторлар талаблари икки ой муддатда қабул қилинади. Мурожат учун телефон: 2419157.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани,
Анхор бўйи кўчаси, 4-уй.

Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Ўзбекистон Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилотлари бирлашган қўмитаси Челек транспорт қасб-хунар коллежи бошланғич қасаба уюшма қўмитаси раиси

Ушбу бек
РАШИДОВнинг бевакт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ишонч»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшинобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Хўдўдлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ишонч»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев
Навбатчи:
М. Раззоқова
Музаҳхих:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 01:00
Топширилди — 01:20
123 56
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ,
Буюртма Г — 609.
29561 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133